КУТУБХОНАСИ

2007 ЙИЛ, 12 СЕНТЯБРЬ, ЧОРШАНБА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ    № 177 (10.986)    Баҳоси эркин нархда

## XXI АСР САДОСИ

**БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР**

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**●Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 16 йиллиги байрами муносабати билан Президентимиз Ислом Каримов номига кўплаб мамлакатлар раҳбарлари номидан самимий қутловлар келиши давом этмоқда.**

**●Олий Мажлис Қонунчилик палатасида «Кучли давлатдан —кучли фуқаролик жамияти сари: нодавлат нотижорат ташкилотларининг аҳамияти ва роли» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Тадбирда Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтлари роли ва аҳамиятини ошириши бўйича қатор таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.**

**●Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Қонунчилик палатасининг «Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ҳамда Президент девонининг Ўзбекистон Мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган қўшма мажлисидаги маърузасидан келиб чиқадиган вазифалар тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлашга қаратилган масалалар кўриб чиқилди.**

**●Пойтахтимиздаги «Дедеман Силк Роуд» меҳмонхонасида болалар соғлиғи масалаларига бағишланган иккинчи минтақавий семинар иш бошлади. Мазкур тадбир 14 сентябргача давом этади.**

**●Боғот туманида қайта реконструкция қилинган «Коттон-текс» Ўзбекистон –Туркия қўшма корхонаси янгидан ўз фаолиятини бошлади. Мазкур корхонани замонавий технологиялар билан жиҳозлаш учун 847 минг АҚШ доллари миқдорида сармоя сарфланди.**

**●Пойтахтимиздаги «Le Grande Plaza» меҳмонхонасида «Бухгалтерия ҳисоби соҳасида йилнинг энг яхши мутахассислари—2007» республика кўрик-танлови ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Олти йўналиш бўйича йилнинг энг яхши мутахассислари аниқланиб, ғолибларга диплом ва қимматбаҳо совғалар топширилди.**

**●«Меҳр нури» жамоатчилик жамғармаси икки йилдан буён тадбиркор аёллар учун оилавий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга қаратилган грантлар танловини ўтказиб келмоқда. Жорий йилда танловда 400 нафардан ортиқ тадбиркор аёллар иштирок этмоқда ва грант ғолиблари шу йилнинг ноябрь ойида аниқланади.**

### ЖАҲОНДА

**●Колумбиянинг жануби ғарбида шу якшанбадан душанбага ўтар кечаси кучли ер силкиниши қайд этилди. Колумбия Жўғрофия ва тоғ кон саноати институти сейсмологларининг таъкидлашича, ер силкиниши кучи Рихтер шкаласи бўйича 6,2 баллни ташкил этган.**

**●Япония бош вазири Синдзо Абэ агар парламент ҳукумат томонидан киритилган Афғонистондаги АҚШ қўшинларини техник жиҳатдан қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги шартнома муддатини узайтиришга қаршилик билдирса, истеъфога чиқишини айтди. Бу ҳақда «Интерфакс» хабар берди.**

**●Ҳиндистоннинг Ҳайдаробод шаҳрида қурилиши битмаган эстакаданинг қулаб тушиши натижасида камида 20 нафар киши ҳалок бўлган. Ҳалокат содир бўлган жойда қутқарувчилар отряди ва тез тиббий ёрдам ходимлари иш олиб боришмоқда.**

**●Копенгагендаги Аалборг шаҳрига парвоз қилаётган Даниянинг Скандинавия авиакомпаниясига қарашли йўловчи самолёти қўниш пайтида ҳалокатга учраган. Reuters хабарида айтилишича, 73 нафар йўловчининг ҳеч бири жиддий жароҳат олмаган.**

**●«Газпром» Ғарб давлатларига сотаётган Россия гази баҳоси йил охирига бориб 10 фоизга ошиши мумкин. «Интерфакс» хабарига кўра бу Европада нефт маҳсулотлари нархи кўтарилиши билан боғлиқ. Агар йил охиригача мазутнинг нархи пасаймаса, «Газпром» Европага ҳар минг кубометр газни 293 долларга сотишни режалаштиряпти.**

**●Колумбияда энг йирик наркобаронлардан бири Диего Монтоя қўлга олинди. У анчадан буён Колумбия ва АҚШ полицияси томонидан қидирилаётган бўлиб Колумбиянинг Ноли округида кокаинни етиштиришдан тортиб, наркотик моддага айлантириб сотишгача бўлган жараённи назорат қилувчи ягона наркобарон эди.**

**●Исроилнинг «Зиким» ҳарбий базаси ҳудудида Ғазо секторидан учирилган ракета портлаши натижасида 60 нафар киши жароҳатланди.**

**●АҚШ ва унинг иттифоқчилари Атом энергияси бўйича халқаро агентлик (МАГАТЭ)нинг айрим раҳбарларини ўз вазифасини суиистеъмол қилганликда айблади. Уларнинг фикрича МАГАТЭ бош директори Муҳаммад ал-Барадеи ташкилот бошқарув кенгаши рухсатисиз расмий Теҳрон билан шартнома тузган.**

**МАМЛАКАТИМИЗДА ФАОЛИЯТ КЎРСАТАЁТГАН КОРХОНАЛАРДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАЁТГАН РАҚОБАТБАРДОШ ВА СИФАТЛИ МАҲСУЛОТЛАР ИЧКИ БОЗОРДАГИНА ХАРИДОРГИР БЎЛИБ ҚОЛМАЙ, УШБУ ТОВАРЛАРГА ХОРИЖДАН ҲАМ БУЮРТМАЛАР ТУШМОҚДА. БУ, АЛБАТТА БОЗОР ТАЛАБИДАН КЕЛИБ ЧИҚИБ ИЗЛАНИШНИНГ, МАҲСУЛОТ ТУРЛАРИНИ ОШИРИШНИНГ, ТАДБИРКОРЛИК БИЛАН ИШ ЮРИТИШНИНГ САМАРАСИДИР.**

## ПОЙТАХТНИНГ бир куни

**Янгиликлар, воқеалар**





*Иқтисодиёт*

## ТАДБИРКОРЛИК САМАРАСИ

Ўтган йилда Учтепа туманида фаолият бошлаган «POMUK TEKSTIL» масъулияти чекланган жамияти шаклидаги хорижий корхонада замонавий дастгоҳ ва ускуналар, илғор технологиялар асосида тайёрланаётган трикотаж маҳсулотларининг 95 фоизи хорижий давлатларга экспорт қилинаётгани бунинг яққол далилидир. Ўтган бир йил давомида корхонада тикилаётган эркаклар ва аёллар кийим-кечакларининг 100 турдаги моделлари яратилди. Бунинг учун эса маркетинг ишлари яхши йўлга қўйилган бўлиб, хорижий буюртмачиларнинг талаб ва таклифлари ҳам чуқур ўрганилади. Маҳсулот сифатини таъминлашда эса корхона цехларига ўрнатилган Германия, Туркия, Япония давлатларидан келтирилган юксак унумли дастгоҳ ва тикув машиналари қуввати, уларни моҳирлик билан бошқараётган бичиқчи, тикувчи ва бошқа ишчи-хизматчилар меҳнатини алоҳида таъкидлаш ўринли. Шунинг баробарида айтиш лозимки, маҳсулотларни тайёрлаш учун маҳаллий хом ашё — юртимизда фаолият кўрсатаётган ҳамкорликдаги қўшма корхоналарнинг сифатли матоларидан фойдаланилмоқда.



— Корхонамиз ўтган йилда 280 минг долларлик сармоя эвазига ўз фаолиятини бошлаган бўлиб, ҳозирда 160 нафар киши иш билан таъминланган, — дейди кадрлар бўлими бошлиғи Тоҳир Нуриддинов. — 2006 йил май ойидан жорий йил май ойигача бўлган давр мобайнида 1.600000 долларлик турли моделдаги кийим-кечакларимизни хориж давлатларига чиқаришга муваффақ бўлдик. Маҳсулотларимизни Голландия, Россия ва бошқа Европа давлатларига экспорт қилаяпмиз. Жорий йил охиригача яна 900 минг долларлик товарларимизни чет эл бозорига сотишни режалаганмиз.

Корхонада нафақат сифатли маҳсулот тайёрлашга, балки уларни жаҳон бозори талабларига мос қадоқлаш, яъни ўралишига ҳам эътибор қаратилади. Шунингдек, сифат ва самарадорликни ошириш мақсадида жамоа аҳлига ҳар томонлама қулайликлар яратилган. Ишчи-хизматчилар бепул тушлик, махсус иш кийими билан таъминланади, ювиниш, кийиниш ва дам олиш хоналари уларнинг хизматида. Улар меҳнатларига яраша моддий ва маънавий рағбатлантириб турилади.

Йил охиригача тадбиркорлар ишлаб чиқаришни кенгайтиришни режалашган бўлиб, айни кунларда Туркиядан янги линия ва машиналар келтирилмоқда. Янги цехларнинг фаолиятини йўлга қўйиш натижасида яна 200 нафар ишчи ўринлари яратилади. Албатта, экспорт ҳажми ҳам ортиб, трикотаж кийим-кечаклар тури кўпайиб боради.

**Шарифа ИЛЁСОВА**

**СУРАТЛАРДА: ёш ва иқтидорли тикувчи Феруза Юлдашева; корхона цехларидаги қизғин меҳнат жараёнлари.**

**Козим Ўлмасов олган суратлар**

## ЮНЕСКО РАҲБАРИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИ МАРҒИЛОННИНГ 2000 ЙИЛЛИГИ БИЛАН ҚУТЛАДИ



*Куни кеча давлатимиз раҳбари иштирокида Марғилоннинг 2000 йиллиги тантаналари кенг нишонланди. Шу муносабат билан ЮНЕСКО Бош директори Коичиро МАЦУУРА Ўзбекистон Республикаси Президенти номига ўз табригини йўллади:*

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари!

Марғилон шаҳрининг 2000 йиллиги нишонланаётган ушбу қутлуғ жума айёмида ЮНЕСКО ва шахсан ўз номимдан Сизга ва Ўзбекистон халқига самимий қутловлар йўллашга ижозат бергайсиз.

Мазкур ажойиб байрам Ўзбекистонда бой маданий меросни асраб-авайлаш ва ривожлантириш борасида узоқни кўзлаб амалга оширилаётган кенг кўламли олижаноб ишларнинг узвий қисмидир. Бундай эзгу ишларга гўзал мамлакатингизга ташрифларим чоғида шахсан ўзим кўп бор гувоҳ бўлганман. Бу фикр ЮНЕСКО Бош конференциясининг 33-сессиясида қабул қилинган резолюцияда ҳам ўз тасдиғини топган. Мазкур ҳужжатда Марғилоннинг Марказий Осиё тарихида ноёб ўрин тутиши ҳамда асрлар давомида Буюк Ипак йўли бўйлаб маданиятлараро мулоқот ва тинчликни мустаҳкамлаш борасида муҳим аҳамиятга эга бўлгани эътироф этилиб, ушбу қадимий шаҳар юбилейини бутун жаҳон ҳамжамияти Ўзбекистон халқи билан бирга кенг нишонлаши қайд этилган.

Марғилоннинг юбилей тантаналари Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 16 йиллиги нишонланаётган кунларга тўғри келгани менга алоҳида мамнуният бахш этади. Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистоннинг Миллий байрами муносабати билан Сиз, муҳтарам Президент Жаноби Олийларига ўзимнинг энг самимий тилакларимни йўллашга, Ўзбекистон халқига фаровонлик, ўз маданий мероси ва анъаналарини сақлаш ва ривожлантиришда улкан муваффақиятлар тилашга ижозат бергайсиз.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган юксак ҳурмат-эҳтиромимни қабул қилгайсиз.

**Коичиро МАЦУУРА,**
**ЮНЕСКО Бош директори**
Париж, 2007 йил 6 сентябрь

## ЎЗБЕКИСТОННИНГ 16 ЙИЛЛИК МУСТАҚИЛ ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ

**"ЎЗБЕКИСТОН" НАШРИЁТИ ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ "ЎЗБЕКИСТОННИНГ 16 ЙИЛЛИК МУСТАҚИЛ ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ" НОМЛИ КИТОБИНИ ЧОП ЭТДИ. КИТОБДАН ДАВЛАТИМИЗ РАҲБАРИНИНГ ШУ ЙИЛ 30 АВГУСТ КУНИ БЎЛИБ ЎТГАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ, ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ВА ПРЕЗИДЕНТ ДЕВОНИНИНГ МАМЛАКАТИМИЗ ИСТИҚЛОЛИНИНГ 16 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ҚЎШМА МАЖЛИСИДАГИ МАЪРУЗАСИ ЎРИН ОЛГАН.**




Ушбу маърузада мустақиллик йилларида ижтимоий-сиёсий ҳаётимизда амалга оширилган улкан ўзгаришлар, халқимизнинг фидокорона меҳнати билан эришилган катта ютуқ ва натижалар, уларнинг моҳияти ва аҳамияти, бугунги кунда ҳаётнинг ўзи олдимизга қўяётган муҳим ва долзарб вазифалар ҳақида ҳар томонлама чуқур ва атрофлича фикр юритилиб, Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли ҳар бири тарихимизда ўзига хос ва ўзига мос ўрин тутадиган алоҳида икки даврга ажратиб, таҳлил этилган.

Аввало, ўтиш даври ва миллий давлатчилик асосларини шакллантириш билан боғлиқ биринчи галдаги ислоҳот ва ўзгаришларни ўз ичига олган дастлабки босқич – 1991-2000 йиллар мамлакатимиз ва халқимиз ҳаётида улкан из қолдирган, том маънодаги тарихий аҳамиятга эга бўлган давр бўлгани алоҳида таъкидланади. Китобда бу даврнинг бутун мураккаблиги ва зиддиятлари, янги жамият асосларини шакллантиришдаги бекиёс аҳамияти кенг ва батафсил очиб берилади.

Шу билан бирга, мустақил тараққиётимизнинг 2001 йилдан 2007 йилгача бўлган муддатни ўз ичига олган иккинчи босқичи – фаол демократик янгиланишлар ва мамлакатни модернизация қилиш даври иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш, сиёсий ҳаётимизни, қонунчилик, суд-ҳуқуқ тизими ва ижтимоий-гуманитар соҳаларни изчил ислоҳ қилишни таъминлашда ғоят муҳим роль ўйнаган давр бўлгани ҳам китобда ўзининг чуқур исботини топган.

Президентимиз ўз китобида бугунги кунда мамлакатимиз олдида турган долзарб вазифалар ҳақида тўхталар экан, Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаш, ўз халқининг тинчлиги ва фаровонлигини таъминлашга интилаётган бошқа давлатлар қатори ҳозирги шиддат билан ўзгариб бораётган мураккаб давр ўртага қўяётган талаб ва саволларга тўлиқ жавоб берадиган, аниқ ва равшан, ҳар томонлама пухта ўйланган стратегия ва ҳаракат дастурига эга бўлиши зарурлигига алоҳида эътибор қаратади.

"Фақат ана шундай сиёсатгина ўз олдимизга қўйган узоқ муддатли мақсад-муддаоларимиз – Ўзбекистонимизнинг дунёдаги ривожланган мамлакатлар сафидан ўрин олишига эришиш борасида зарур шарт-шароит ва мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилиши мумкин", — деб таъкидлайди Юртбошимиз.

Мазкур китобда баён этилган теран фикр ва хулосалар барча юртдошларимизни 16 йиллик тараққиёт йўлимизга яна бир бор назар ташлашга даъват этади. Она юртимизда яшаётган ҳар қайси инсон, миллати ва тилидан, қаерда, қандай вазифада ишлашидан қатъи назар истиқлол йилларида қўлга киритилган ютуқларимиздан кўнгли тоғдай кўтарилиши, шу ишларда менинг ҳам муносиб ҳиссам бор, деб қувониб, фахр-ифтихор билан яшаши табиий, албатта.

**(ЎзА)**

## Қисқа сатрларда

●**ЎТГАН** кундан Ҳамза туманидаги «Тенгдош» маданият уйида «Қуёшча» тасвирий санъат студияси қатнашчилари томонидан «Менинг ижодим» мавзуида тайёрланган расмлар кўргазмаси намойиш этилмоқда. Ушбу тадбир 17 сентябргача давом этади.

●**ҲАМЗА** туманидаги футболга ихтисослашган мактаб-интернат стадионида футбол бўйича туман ҳокими Кубоги учун катталар ўртасида уюштирилган мусобақанинг финал учрашуви ўтказилди.

● **ЮНУСОБОД** туманидаги «Кулолқўрғон» маҳалласида Ижтимоий ҳимоя йили муносабати билан уюштирилган хайрия тадбирида маҳалла фаоллари, фахрийлари, нуроний отахонлар иштирок этишди.

● «**ПОЙТАХТ**» меҳмонхонасида Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ва бошқа мутасаддилар ҳамкорлигида уюштирилган бизнес-семинарда тадбиркорликни ривожлантиришнинг аҳамияти борасида фикр алмашилди.

●**ТОШКЕНТ** Давлат ўрмон хўжалиги ташкил этилганлигига 60 йил тўлди. Шу муносабат билан ўтказилган тадбирда мамлакатимизда ўрмон хўжалигини ривожлантиришнинг истиқболлари, игна баргли ўсимликларни кўпайтириш зарурлиги борасида сўз борди.

●**ИЖТИМОИЙ** ҳимоя йили муносабати билан «ЭКОСАН» халқаро ташкилоти ҳомийлигида ташкил этилган озиқ-овқат маҳсулотлари, дори-дармон воситалари ортилган «Саломатлик» поезди Тошкент шимолий темир йўл вокзалидан Қашқадарё вилоятига жўнаб кетди.

●**АМИР** Темур номидаги хайрия жамғармаси ташаббуси билан тарихчи, шарқшунос олимлар иштирокида Ижтимоий ҳимоя йилига бағишлаб ўтказилган тадбир «Меҳр-мурувватнинг меҳри узун» деб номланди.

●**БУГУН** Ҳамза туманидаги «Тенгдош» маданият уйида бадиий ҳаваскорлик жамоалари, ўқув курслари, тўгараклар аъзолари иштирокида уюштирилган давра суҳбати «Оила—остонадан бошланади» деб номланди.

**(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).**

# ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИНГ МУҲИМ БЎҒИНИ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ФАРМОНИГА МУВОФИҚ ТАШКИЛ ЭТИЛГАН РЕСПУБЛИКА “МАҲАЛЛА” ХАЙРИЯ ЖАМҒАРМАСИ ФАОЛИЯТ ЮРИТА БОШЛАГАНИГА 15 ЙИЛ БЎЛДИ.**

— Президентимизнинг 1992 йил 12 сентябрда қабул қилинган “Республика “Маҳалла” хайрия жамғармасини ташкил этиш тўғрисида”ги Фармони ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий ва маънавий аҳамиятга молик ғоят муҳим ҳужжатдир, — дейди **Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамғармаси республика бошқаруви раиси Анвар АҲМЕДОВ.** — Халқимизнинг қадимий урф-одатларини, анъаналарини авайлаб-асраш ва бойитишга ҳар томонлама кўмаклашишда, кам таъминланган оилалар, ногиронлар, етим-есирларга, ёлғиз кексаларга нисбатан меҳр-шафқатли бўлиш ғояларини тарғиб қилишда, уларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатишда ушбу фармон бениҳоя муҳим аҳамият касб этмоқда,

Мамлакатимизда ўзини ўзи бошқаришнинг янги бўғини — маҳалланинг мустақил фаолият кўрсатиши учун кенг имкониятлар яратилди. Юртимизда маҳалла институти тўла шаклланди. Бунда вилоятлар ва туманларда ўз бўлимларига эга Республика “Маҳалла” жамғармасининг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган қўшма мажлисидаги маърузасида таъкидлаганидек, юртимизда маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органи тизими – маҳалла институтини ривожлантириш ва мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Зеро, халқ вакилларининг жамоат ҳаётидаги долзарб масалаларни ҳал этишдаги иштирокини таъминлашда муҳим ўрин тутадиган маҳалла институти ўзини ўзи бошқариш тизимининг асосини ташкил қилади.

Мамлакатимизда барча соҳаларда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ҳамда инсон ҳуқуқлари ҳимоясини кучайтиришга қаратилган изчил сиёсат фуқаролик жамиятининг ажралмас қисми бўлган жамоат ташкилотларининг, жумладан, маҳалланинг ўрни ва аҳамиятини тобора оширмоқда.

Бу жараён, биринчи галда, кўплаб масалаларни ҳал қилишда давлат бошқаруви идораларининг муайян функцияларини жамоат ташкилоти бўлмиш маҳаллалар зиммасига босқичма-босқич ўтказишни тақозо этади. Негаки, фуқаролик жамияти – фуқаролар жамоат бошқаруви деган сўздир. Айни вақтда бундай бошқарув усули ҳуқуқий мақомга эга бўлиб, фуқаролар йиғинлари номи билан фаолият юритаётган тузилмаларга давлат бошқарув идораларининг вазифалари босқичма-босқич ўтказиб борилмоқда.

Демак, фуқаролар йиғинлари орқали фуқароларнинг, яъни жамоатчиликнинг нафақат жамият, балки давлат ишларини бошқариши, қолаверса, назорат қилиши учун кенг имкониятлар яратилмоқда. Бошқача айтганда, “Кучли давлатдан — кучли жамият сари” деган тамойилни ҳаётга жорий этиш — давр талаби, демакдир.

Шу билан бирга, фуқаролик жамиятини шакллантириш учун жамоатчилигимиз, аҳолининг сиёсий ва ижтимоий савияси ҳамда фаоллигини ошириш лозим. Чунки инсон манфаатлари барча нарсадан устун бўлмас экан, чинакам демократияга эришиш қийин.

Табиийки, маҳалладек ноёб тизимнинг бу борадаги ўрни ва аҳамияти ғоят беқиёсдир. Айни пайтда фуқароларимиз ўз муаммо ва ташвишлари юзасидан, аввало, маҳаллаларга мурожаат этаётгани, маҳалла даъвати билан хайрли ишлар йўлида уюшаётгани, қолаверса, қатор долзарб масалаларда ушбу идоралардан кўмак топаётгани фикримизнинг исботидир.

Тасаввур қилайлик. Бир оила фарзандининг хулқ-атвори ёмонлашиб, унда эгри йўлга кириб кетишга мойиллик пайдо бўлади. Хўш, шундай пайтда уни қандай чоралар билан тарбиялаш керак бўлади? Ёки жанжаллашиб қолган эр-хотинни қандай қилиб жазолаш мумкин?

Ҳа, бу ўринда ўз ўзидан маҳалла ўртага чиқади. Зотан, маҳалла — тинчлик-осойишталик ўчоғи. Бундай ҳолларда айнан маҳалла демократия мактаби сифатида кишиларни аҳилликка чорлайди, хусусан, хулқи салбий томонга ўзгарган ўсмирни тартибга чақиради. У ота-онаси, яқинлари ва қўни-қўшнилари билан юзлаштирилади, керак бўлса, танбеҳ берилади.

Ёки бошқа бир мисол. Айтайлик, маҳаллада кекса ва ёлғиз онахон яшайди. Уни ижтимоий ҳимоя қилиш зарур. Агар бу вазифа фақат давлат томонидан амалга оширилса — онахонга нафақа ажратилиб, текин дори-дармон, озиқ-овқат каби зарур ёрдам берилади. Бироқ, ёлғиз инсон меҳрга, эътиборга, бир оғиз ширин сўзга, йўқловчига эҳтиёж сезса-чи? Бундай кезларда маҳалланинг ўрни беқиёсдир.

Мана, шу каби мисолларнинг ўзи ҳам эркин фуқаролик жамиятини шакллантиришда маҳалланинг ўрни ва аҳамияти нечоғли муҳим эканини яққол кўрсатиб турибди. Шу боис маҳалла институти хорижлик мутахассисларда ҳам катта қизиқиш уйғотмоқда, фуқаролик жамиятининг мустаҳкам таянчи ва таъсирчан куч сифатида эътироф этилмоқда.

Мамлакатимизда барча соҳаларда кенг кўламда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар ҳақида аҳолига маълумот беришда, қонунлар ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятини тушунтиришда, маҳалладошларда фаол фуқаролик позициясини шакллантиришга қаратилган чора-тадбирларни янада жонлантиришда тизимда жорий этилган янги лавозим раиснинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси фаолиятининг намунали йўлга қўйилиши муҳим иш бўлди.

Миллий маданиятимиз ва маънавиятимизни қадрлаш борасида амалга ошираётган чора-тадбирларимиздан яна бири турли тантана, тўй ва маросимларни ўтказишда дабдабабозлик ва исрофгарчиликка йўл қўйилишининг олдини олишдир. Ушбу йўналишдаги тадбирлар самараси ўлароқ, миллий маънавиятимизга номуносиб бир қатор маросимларга чек қўйилди, маҳалладошлар моддий неъматларни ўзаро саховат ва мурувват кўрсатишдек хайрли ишларга сарфлаш афзалроқ эканини яхши англаб етмоқдалар.

Маҳаллалар фаолиятида аҳоли ижтимоий муҳофазаси муҳим ўрин тутади. Шу боис жойлардаги ёрдамга муҳтож кишиларга мунтазам равишда моддий ва маънавий кўмак бериб келинмоқда. Жумладан, 2006 йили “Маҳалла” хайрия жамғармаси томонидан аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва меҳр-мурувват ишларига 3 миллиард 821 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланди. Шунингдек, турли байрамлар муносабати билан эҳтиёжманд оилаларга ҳомийлар кўмагида 4,5 миллиард сўмликдан зиёд мурувват ёрдами кўрсатилди. “Саховат”, "Мурувват" ва “Меҳрибонлик” уйларининг моддий-техника базасини яхшилашга кўмаклашиш мақсадида ҳомийлик маблағлари ажратилди.

Ижтимоий ҳимоя йилида кўмакка муҳтож оилаларга моддий ёрдам кўрсатишда маҳалла имкониятларидан янада кенг фойдаланилмоқда. Бунда Президентимизнинг жорий йил 23 январда қабул қилинган “Ижтимоий ҳимоя йили” Давлат дастури тўғрисида”ги қарори дастуриламал бўлмоқда.

Жамғармамизда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш кўламларини янада кенгайтириш ва кучайтириш, унинг муҳтож тоифаларига, ногиронлар ва ёлғиз кексаларга табақалаштирилган тарзда ёрдам кўрсатиш самарадорлигини ошириш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган чора-тадбирлар мажмуини амалга ошириш учун муҳим вазифалар белгиланиб, ҳаётга изчил татбиқ этилмоқда.

Жойларда фуқаролар йиғинлари томонидан кам таъминланган оилаларга, ишламайдиган оналарга фарзанди икки ёшга тўлгунга қадар парвариш қилганлик учун ҳамда кўп болали оилаларга бериладиган нафақаларни адолатли тақсимлашда амалий ёрдам кўрсатилмоқда.

Айтиш жоизки, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида мамлакатимизда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва меҳр-мурувват ишларига жами 20,8 миллиард сўм маблағ сарфланган бўлса, шундан 1,3 миллиард сўми бевосита “Маҳалла” хайрия жамғармаси улушига тўғри келди.

Буларнинг барчаси Юртбошимиз раҳнамолигида инсон манфаатларини ҳимоя қилиш, халқимиз фаровонлигини янада юксалтириш ва аҳиллик, меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишларнинг амалий самарасидир.

**ЎзА мухбири**
**Турсунбой БОТИРБЕКОВ**
**ёзиб олди.**

**ТОШКЕНТДА “ОМБУДСМАННИНГ СУД ВА ИЖРО ОРГАНЛАРИ БИЛАН ЎЗАРО ҲАМКОРЛИГИ: ТАЖРИБА ВА МУАММОЛАР” МАВЗУИДАГИ ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ ЎЗ ИШИНИ БОШЛАДИ. ТАДБИР ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА ВАКИЛИ (ОМБУДСМАН) ТОМОНИДАН МИЛЛИЙ ҲАМКОРЛАР БИЛАН БИРГАЛИКДА ВА ЕХҲТНИНГ МАМЛАКАТИМИЗДАГИ ЛОЙИҲАЛАРИ МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИСИ КЎМАГИДА ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.**

# ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР МУҲОКАМА ЭТИЛДИ

Конференцияда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари, тегишли вазирлик, идора ва жамоат бирлашмалари, шунингдек, Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган дипломатик корпус ҳамда халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этмоқда.

Анжуманни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) С.Рашидова очди.

Президентимиз Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган қўшма мажлисидаги маърузасида мамлакатимизда фуқаролик ҳамда жамоат институтларини ташкил этиш билан боғлиқ масала доимий эътиборда эканини таъкидлади.

Республикамизда суд-ҳуқуқ тизимини ҳуқуқий давлатни шакллантиришнинг муҳим таркибий қисми сифатида чуқур ислоҳ этиш ҳамда эркинлаштириш бўйича янги концепция ҳаётга татбиқ этилди.

Юртбошимизнинг 2005 йилда қабул қилинган 2008 йилнинг 1 январидан мамлакатда ўлим жазосини бекор қилиш, фуқароларни қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини прокуратурадан судларга ўтказиш тўғрисидаги фармонлари бутун дунёда катта акс садо берди.

Конференция давомида “Омбудсман институти ва парламент, ижро ҳокимияти”, “Омбудсманнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва суд ҳокимияти билан ўзаро ҳамкорлиги”, “Омбудсман ва фуқаролик жамияти”, “Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича давлат органлари тизимида Омбудсманнинг ўрни” мавзуида тўртта ялпи сессия ҳам ўтказилади. Янги қонунларни амалда татбиқ этиш ва фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ҳамда эркинликларини кенгайтириш борасида Омбудсманнинг судлар, ижро ҳокимияти органлари, фуқаролик жамияти институтлари билан ўзаро ҳамкорлиги муҳим аҳамият касб этади.

Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири ўринбосари Ш.Миноваров, сенатор, Тошкент давлат юридик институти ректори М.Рустамбоев ва бошқалар Омбудсманнинг судлар ҳамда ижро органлари билан ҳамкорлиги самарадорлигини ошириш зарурлиги хусусида гапирди.

Россия Федерацияси Свердловск вилоятининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили Татьяна Мерзлякова, Словакия Республикаси Омбудсмани маслаҳатчиси Янка Дивинцова, Омбудсман халқаро институти вице-президенти, Шимолий Ирландия Омбудсмани Томас Фроли (Буюк Британия) анжуман қатнашчиларини Омбудсман институтларининг хорижий мамлакатлардаги фаолияти тажрибаси билан таништирди.

Конференция доирасида Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили томонидан тайёрланган ва “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти босмадан чиқарган “Дунё Омбудсманлари” номли тўпламнинг тақдимоти ҳам бўлиб ўтади.

**(ЎзА)**

# ЯНГИ ДАВР КАДРЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШГА ЭЪТИБОР

**ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ, ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ВА ПРЕЗИДЕНТ ДЕВОНИНИНГ ҚЎШМА МАЖЛИСИДАГИ “ЎЗБЕКИСТОННИНГ 16 ЙИЛЛИК МУСТАҚИЛ ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ” МАЪРУЗАСИДА МАМЛАКАТИМИЗНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ВА ЗАМОНАВИЙ ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШ ЙЎЛИДАГИ МУРАККАБ ВА КЕНГ КЎЛАМЛИ ВАЗИФАЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШГА ҚОДИР ЯНГИ ДАВР КАДРЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ МАСАЛАСИ МУҲИМ АҲАМИЯТГА ЭГА ЭКАНИ АЛОҲИДА ТАЪКИДЛАНДИ.**

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида “Ўзбекистон мустақиллик йилларида: янги давр кадрларини тайёрлаш” мавзуидаги республика илмий-амалий семинарида давлатимиз раҳбари маърузасида белгилаб берилган вазифаларнинг ижроси билан боғлиқ масалалар атрофлича муҳокама этилди.

Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, мазкур академия тингловчилари, тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари, олий ўқув юртларининг ўқитувчи ва талабалари, сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

Мазкур академия ректори Қ.Назаров мамлакатимизни ривожлантиришнинг Юртбошимиз томонидан белгилаб берилган беш асосий тамойили ижтимоий йўналтирилган, бозор иқтисодиётига асосланган очиқ демократик давлат барпо этиш ва фуқаролик жамиятини шакллантиришда, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-маърифий соҳаларда эришган ютуқларимизда муҳим омил бўлаётганини алоҳида таъкидлади.

Янги давлат барпо этишда миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбияланган, мустақил фикрловчи, Ватан тақдири, бугуни ва келажаги учун масъулиятни теран ҳис этадиган кадрларни тайёрлаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири этиб белгиланган. Юртбошимиз ташаббуси билан ишлаб чиқилиб, ҳаётга изчил татбиқ этилаётган “Таълим тўғрисида”ги қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ҳамда ушбу ҳужжатларнинг мантиқий давоми бўлган 2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури ана шу эзгу мақсадларга хизмат қилмоқда.

Қизғин баҳс ва мунозара тарзида ўтган семинарда янги давр кадрларини тайёрлашда тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда сиёсий партияларнинг ҳам масъулиятини оширишга доир масалалар атрофлича муҳокама этилди, бу борадаги вазифалар белгилаб олинди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири**

*Ёшлар — келажагимиз*

# КЕЛАЖАКНИНГ ИСТИҚБОЛИМИЗ

**ИСТИҚЛОЛ ЙИЛЛАРИДА ҲАЁТИМИЗНИНГ БАРЧА СОҲАЛАРИДА ЮЗ БЕРГАН ЎЗГАРИШЛАР ВА ҚЎЛГА КИРИТИЛГАН ЮТУҚЛАРНИ БОЛАЛАР ВА ЎСМИРЛАР ЎРТАСИДА КЕНГ ТАРҒИБ ҚИЛИШ, БЕБАҲО НЕЪМАТ БЎЛГАН МУСТАҚИЛЛИКНИНГ НЕЧОҒЛИ АҲАМИЯТЛИ ЭКАНЛИГИНИ УЛАРГА ТУШУНТИРИШ, ОНА-ВАТАНГА МУҲАББАТ ВА САДОҚАТ ТУЙҒУСИНИ ЁШЛАР ОНГИГА ЯНАДА МУСТАҲКАМРОҚ СИНГДИРИШДА МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ТАДБИРЛАРНИНГ ЎРНИ БЕҚИЁСДИР.**

Куни кеча Ўзбекистон Республикаси Болалар кутубхонасида «Келажакнинг ёрқин истиқболимиз» мавзуида бўлиб ўтган тадбир ҳам бевосита ёшлар иштироки ва ҳамкорлигида ўтказилди.

Тадбирни Республика маънавият- тарғибот маркази, Тошкент шаҳар ўқувчилар ижодиёт маркази, Ҳамза номидаги Республика мусиқа коллежи, Успенский номидаги Республика махсус мусиқа академик лицейи, «Оқибат» маҳалласи 64 ва 17-умумтаълим мактаблари, ҳамда 426-мактабгача таълим муассасаси ҳамкорликда ўтказдилар.

— Бугунги замон ёшлари жудаям зукко, маърифатли, билимдон ва изланувчандир, — дейди «Оқибат» маҳалласи хотин-қизлар қўмитаси раиси Зуҳра Аъзамхўжаева,— Мазкур тадбир тарбиявий жиҳатдан ҳам, маънавий маърифий томондан ҳам катта аҳамиятга эга. Зеро, ёшларимиз бугун Ватан, маҳалла, оила ҳақидаги чин маънодаги тушунчаларга, истиқлол берган буюк неъматлар хусусидаги фойдали маълумотларга эга бўладилар. Ватан остонадан бошланади, деган пурҳикмат сўзнинг маъносини ҳам ана шу тадбирда тўлақонли очиб беришга ҳаракат қиламиз. Истардикки,- бизнинг иқтидорли ёшларимиз ўз она Ватанларини кўз қорачиғидек асраб-авайлашга, юртимиз шарафини ҳимоялашга, анъана ва қадриятларимизга ҳурмат билан қарашга ўрганишсин. Чунки келажакнинг мустаҳкам пойдеворини улар ўрнатишади.

Тадбир давомида Тошкент шаҳар ўқувчилар ижодиёти маркази қошидаги «Ғунча» рақс дастаси ва Ҳамза номидаги Республика мусиқа коллежи ўқувчиларининг бадиий чиқишлари, 64-мактаб ўқувчиларининг кичик саҳна кўринишлари ҳамда «Мини-мистер 207» гран при соҳиби Достон Саидмуродовнинг дилтортар қўшиқлари барча иштирокчиларда катта таассурот қолдирди. 426- мактабгача таълим муассасаси тарбияланувчилари томонидан тайёрланган куй-қўшиқлар эса барчага бирдай манзур бўлди.

Тадбир сўнгида Республика Болалар кутубхонаси мутахассислари томонидан тайёрланган «Энг гўзал чаман» деб номланган китоб кўргазмаси тадбир иштирокчиларига намойиш этилди. Унда ўн олти йил давомида болалар ва ўсмирлар учун нашр этилган китоблардан намуналар ўрин олган.

**Гулчеҳра ДУРДИЕВА**

*Тадбирлар*

# ТИЛЛАРНИ ЎРГАНАМИЗ

**СЕРГЕЛИ ТУМАНИ МАҲАЛЛА ЁШЛАРИ УЧУН ЎТКАЗИЛГАН ҚИЗИҚАРЛИ ЛОЙИҲАЛАРДАН БИРИ «ТИЛЛАРНИ ЎРГАНАМИЗ!» ЛОЙИҲАСИ БЎЛИБ, ЁШЛАРНИНГ БЎШ ВАҚТЛАРИНИ МАЗМУНЛИ ВА УНУМЛИ ЎТКАЗИШ, ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ВА МАЪНАВИЙ САЛОҲИЯТЛАРИНИ ОШИРИШ, ЧЕТ ТИЛЛАРИНИ ЎРГАНИШЛАРИ УЧУН ҚУЛАЙ ШАРОИТ ЯРАТИШ МАҚСАДИДА ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.**

Машғулотлар Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети талабалари томонидан «Файзли оила» марказида ўтказилди. Инглиз тилини ўрганишга интиқ бўлган ёшларнинг 40 нафардан ортиғи ўзларининг билимларини мустаҳкамладилар.

Машғулотлар давомида ўқувчиларга сўзларни тўғри талаффуз қилиш, турли мавзуларда инглиз ва араб тилларида сўзлашиш ўргатилди. Ўқув машғулотлари давомида қизиқарли ўйинлар, тестлар, махсус карточкалар, тарқатма ва кўргазмали материаллардан фойдаланилди.

Машғулотлар давомида «Менинг оилам», «Менинг мактабим», «Менинг Ватаним!», «Ҳайвонот боғига ташриф» каби мавзуларда инглиз тилида берилган текстларни сўзлаб бериш, тўғри таржима қилиш, нуқталар ўрнига тўғри сўзларни танлаш, турли мавзуларда инглиз тилида гаплар тузиш вазифалари болаларнинг уйларида ҳам бўш вақтларини унумли ўтказишлари, инглиз тили билан янада мукаммалроқ шуғулланишлари учун топшириқ сифатида бериб борилди.

Лойиҳа орқали туман маҳаллаларида истиқомат қилувчи ёшларнинг бўш вақтлари унумли ўтказилди, ишонамизки улар янги ўқув йилида чет тили машғулотларидан аъло баҳоларни олган ҳолда ўқишларини давом эттирадилар.

**Мирзо МУҲАММАД АЛИШЕР**

# ОНАЛАР ВА БОЛАЛАР САЛОМАТЛИГИ ЙЎЛИДА

**ТОШКЕНТДА МАРКАЗИЙ-ШАРҚИЙ ЕВРОПА ҲАМДА ҲАМДЎСТЛИК МАМЛАКАТЛАРИ ВАКИЛЛАРИ ИШТИРОКИДА ОНАЛАР ВА БОЛАЛАР САЛОМАТЛИГИНИ АСРАШГА БАҒИШЛАНГАН СЕМИНАР ИШ БОШЛАДИ.**

Ушбу тадбир оналар ва болалар саломатлигини асраш, болалар ўртасида бевақт ўлимни камайтиришга қаратилган. Унда сўз олганлар болалар туғилиши билан боғлиқ бўлган муаммолар тўғрисида тўхталиб, бу борада ўзаро ҳамкорлик ва тажриба алмашишни янада такомиллаштириш зарурлигини эътироф этишди. Дунёга келган боланинг ҳаётини сақлаб қолиш, яшаб кетиши учун имкон қадар ёрдам бериш бугунги куннинг долзарб масалаларидан эканлигини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз. Семинар иштирокчилари тўрт кун давомида мазкур масалалар юзасидан мутахассисларнинг маърузаларини тинглаб, ҳудудий касалхоналар, клиникаларда бўлиб маҳаллий мутахассислар билан ўзаро тажриба алмашишади.

**Сурайё МЕЛИҚУЛОВА,**
**«Туркистон-пресс»**

*Таълим*

# АКАДЕМИК ҲАМКОРЛИК

**ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА ВА ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИНИНГ ХАЛҚАРО АЛОҚАЛАРИ КЕНГ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛМОҚДА. ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТИНИНГ ГЕРМАНИЯДАГИ ТУРДОШ ИНСТИТУТЛАР БИЛАН ҲАМКОРЛИГИ ҲАМ САМАРАЛИ БЎЛМОҚДА.**

Веймар университети ва Потсдам ихтисослашган архитектура институти билан уч томонлама тузилган шартнома асосида амалга оширилаётган таълимий тадбирлар асосида халқаро лойиҳа дастури ҳам юзага келди. Ана шу дастур доирасида «Тарихий обидаларни сақлаш ва таъмирлаш» деган мавзуда анжуман ўтказилди. Ўзбек-герман академик ҳамкорлиги шиори остида уюштирилган бу тадбирда Ўзбекистонда меъморий обидаларни таъмирлаш борасида орттирилган бой тажрибаларга оид маърузалар тингланди.

# БАРЧА ҚУЛАЙЛИКЛАР МУҲАЙЁ

**ПОЙТАХТИМИЗНИНГ МАРКАЗИЙ ҚИСМИДА ЖОЙЛАШГАН «ЎЗБЕКИСТОН» МЕҲМОНХОНАСИ ЎЗИНИНГ 30 ЙИЛЛИГИНИ НИШОНЛАМОҚДА. ШУ САНА МУНОСАБАТИ БИЛАН БУ ҲАШАМАТЛИ КЎРКАМ БИНО ТАЪМИРДАН ЧИҚДИ. «ТЎРТ ЮЛДУЗЛИ» МЕҲМОНХОНА ОТЕЛИ ҲИСОБЛАНГАН БУ МАСКАНДА МИЖОЗЛАР УЧУН ЯНА ҚАТОР ҚУЛАЙЛИКЛАР МУҲАЙЁ ҚИЛИНДИ.**

«Ўзбектуризм» миллий компанияси муассислигида фаолият кўрсатаётган мазкур жамоа жорий йилнинг ўтган 6 ойи ичида етти минг нафар чет эллик мижозга хизмат кўрсатди. Йил охиригача яна бир неча минг киши бу ерда дам олади.

**Акбар АЛИЕВ**

